

МЕҲНАТ БОЗОРИДА ЭҲТИЁЖИ ЮҶОРИ БЎЛГАН МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

(УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КҮРСАТИШ ТИЗИМИ МИСОЛИДА)

Ҳозирги кунда таълим менежменти жадал ривожланиб бораётган соҳалардан бири бўлиб, айнан ушбу соҳада самарага эришиш энг долзарб масалалардан бири саналади. Кўпгина илмий давра ва конференцияларда ушбу мавзу қизғин баҳс, мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Дунё олий таълим тизимида “самарадорлик” кўп тилга олинадиган, шу билан бир қаторда энг кам ўрганилган муаммо ҳисобланади. Ривожланган давлатларнинг таълим соҳасидаги бир қатор олимлар томонидан таълим жараёнида самара олиш, самарадорлик масалаларига оид кўплаб масалалар илгари сурилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январьдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни кўплаб-куватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонининг тўртингчи банди “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”га бағишланган.

Банднинг 4,3 пунктида меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш тизимини кенгайтириш, касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш назарда тутилган.

Бугунги кунда бир қатор Республика олий таълим муассасаларида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланиб, соҳа меҳнат бозорига етказиб берилмоқда. Тошкент архитектура-қурилиш институтида:

- муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (турлари бўйича), сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси, коммунал инфратузилма ва уй-жой коммунал ҳўжалигини ташкил этиш ва бошқариш;

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтида:

- муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (турлари бўйича);

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида:

- қишлоқ ҳўжалик сув таъминоти муҳандислик тизимлари ва иншоотлар;

Жиззах политехника институтида:

- муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи хизматлар соҳаси (уй-жой коммунал ва маишӣ хизматлар);

Қорақалпоқ Давлат университетида:

- муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи;

Наманганд мұхандислик-педагогика институтида:

- мұхандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи;

Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтида:

- мұхандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи, хизматлар соҳаси (уй-жой коммунал ва маишӣ хизматлар);

Фарғона политехника институтида:

- мұхандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи хизматлар соҳаси (уй-жой коммунал ва маишӣ хизматлар) йўналишлари бўйича талабалар тайёрланмоқда.

2017 йилнинг май ойи ҳолатига кўра, олий таълим муассасаларида жами коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси таълим йўналишларида талабалар сони – 3 798 нафарни ташкил этади.

Республика ўрта-маҳсус касб-хунар таълими тизимида Коммунал ҳўжалиги обьектларидан фойдаланиш бўйича техник-технолог касби бўйича бугунги кунда 14 та касб-хунар коллажлари мавжуд бўлиб, жами 640 нафар ўқувчи таълим олади.

Шамоллатиш тизимлари, совутиш, криоген техникалари агрегатлари ва машиналарни монтаж қилиш, созлаш ишлатиш механизми касби бўйича жами 5 та касб-хунар коллажи (Навоий, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилояти) мавжуд бўлиб, уларда 241 нафар ўқувчи таълим олади.

Лифт ва эскалаторлардан фойдаланиш ва таъмирлаш техники касби бўйича эса Самарқанд шаҳар транспорт ва коммунал ҳўжалик касб-хунар коллажи мавжуд бўлиб, унда 16 нафар ўқувчи таҳсил олади. 2016 йилдан эса бу соҳага ўқувчилар қабул қилиш тўхтатилган.

Сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш, таъмирлаш ва ишлатиш устаси касби бўйича Республикада 192 та касб-хунар коллажлари мавжуд.

Агарда, мавжуд аҳволдан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсак, бугунги кунда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси тизимида фаолият олиб бора-диган мутахассис ва ходимларнинг аксар қисмини ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган кадрлар ташкил этади.

Ҳозирги кунда республикада уй-жой коммунал тармоғига ихтисослашган олий таълим муассасаси мавжуд эмас.

Республикада мавжуд олий таълим муассасалари эса соҳа меҳнат бозорига реал талаб даражасидан келиб чиқсан ҳолда тор доирадаги мутахассисларни етарли даражада тайёрлаб бера олишмаяпти.

Бу эса, ўз навбатида, тизимга кадрлар етишмаслиги ва қўнимисизлик ҳолатини келтириб чиқармоқда.

Вазирлик тизимида йигирма икки мингдан кўп ходимлар меҳнат қилиб турганлигини инобатга оладиган бўлсак, фикримизча, келажакда вазирлик ҳузурида уй-жой коммунал хизматларига

ихтисослашган олий таълим муассасасини очиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида ҳам уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси учун кадрлар тайёрлаш бўйича таклифлар киритиш, ўқув стажировкаларини чет элларда ўтказиши назарда тутган ҳолда кадрларни қайта тайёрлаш ва малақасини оширишни ташкил этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, дастурий маҳсулотлар, идоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси жорий этилишини назарда тутиш чора-тадбирлари қайд этиб ўтилган.

Мадомики шундай экан, Тошкент Архитектура ва қурилиш институти негизида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимидаги кадрлар эҳтиёжидан келиб чиқиб бир қатор йўналишлар ёки факультет ташкил этиш жоиз.

Бу борада куйидаги таклифларимизни айтиб ўтишни лозим топдик.

Тошкент Архитектура ва қурилиш институти негизида:

- кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва улардан фойдаланиш тизимини комплекс ривожлантириш (тармоқ ва йўналиш бўйича);
- ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш (тармоқ ва йўналиш бўйича);
- иссиқлиқ таъминоти тизимини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш (тармоқ ва йўналиш бўйича).

Бу эса, ўз навбатида, куйидаги имкониятларни яратиб беради:

- биринчидан, тизимга бакалавр ва магистр даражасига эга бўлган мутахассисларни жалб этиш;
- иккинчидан, соҳада мавжуд камчиликларни илмий ишлар ёрдамида ёритиб муаммога ечим топиш ва илмий салоҳиятни ошириш;
- учинчидан, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимига инновацияни жорий этиш;
- тўртинчидан, меҳнат бозори билан таълим тизимини узвий боғлиқ ҳолда олиб бориш;
- бешинчидан, назария ва амалиётни узвий боғлаган ҳолда таълим бериш;
- олтинчидан, соҳага керакли мутахassis кадрлар тайёрлашни прогноз қилиш имконини яратиб беради.

Хуршид АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги таълим
сифатини назорат қилиш давлат
инспекциясининг таълим сифатини баҳо-
лашда халқаро тадқиқотларни амалга оши-
риш Миллий маркази бош мутахассиси

Халқ мақоллари

Сув келди – нур келди.

Балиқ сув билан тирик, Одам – эл билан.

Сув билан экин ўсар, Тарбия билан – одам.

Сув бошидан яхши, ҳосил – тагидан.

Ер – хазина, сув – гавҳар.

Ер, сув – битмас кон.

Сув – зар, сувчи – заргар.

Сув қатраси – дур қатраси.

Сувдан – қатра, офтобдан – зарра.

Сувнинг кўриниши мулойим, бағри – тош.

Сувсиз ер – жонсиз жасад.

Сув исрофи – ҳаёт исрофи.

Сувнинг ҳар бир томчиси ҳаётнинг давомий
лаҳзалари белгиларидир.

Сув – ҳаёт хазинаси, уни исроф қилиш инсон
умрини хазон қилиш билан баробардир.